Стратегик ва минтақалараро
КУТУБХОНАСИ
Тадқиқотлар институти

2008 ЙИЛ, 28 НОЯБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 233 (11.294) | Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

*Қўшма корхоналарда*

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТАДИ





**ИЧКИ БОЗОРНИ СИФАТЛИ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ЖИҲОЗЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ПОЙТАХТИМИЗДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН «ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ-ЭЛЕКТРОШИТ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЎРНИ МУНОСИБ БЎЛМОҚДА.**

Корхонанинг кейинги йилларда Швейцария, Финляндия, Италия ва бошқа давлатлардан келтирилган юксак унумли технологик линиялар билан жиҳозланган цехларида тайёрланаётган маҳсулотларига нафақат ички, балки хориж бозорида ҳам талабгорлар кўпайиб бормоқда. 2006-2008 йиллар мобайнида тадбиркор жамоа аҳли ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 19 бараварга оширишга муваффақ бўлди, бу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар сафи эса ёшлар ҳисобига ортиб бормоқда. Тўла қувват билан ишлаётган мавжуд 7 та цехда 800 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, «Шўртангаз» кимё мажмуаси, «Зеромакс», «Лукойл» компаниялари, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, республика Енгил саноат ва Энергетика вазирликлари корхонанинг асосий буюртмачилар сирасига киради. Шунинг баробарида маҳсулот сифати ортиши, турлари кўпайиши чет эллик харидорларни жалб этишда муҳим аҳамият каб этмоқда. Шу боис ҳам келгусида экспорт ҳажмини ошириш кўзда тутилган.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона цехларида малакали мутахассислар меҳнат қилишади**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН АВТОМОБИЛЛАР СОНИ БИР МИЛЛИОНДАН ОШДИ

### АСАКА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ КОНВЕЙЕРИДАН МИЛЛИОНИНЧИ АВТОМОБИЛЬ ЧИҚДИ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ИЛК МАРОТАБА АСАКА АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИДА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ. МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ ВА РАҲНАМОЛИГИДА АВТОМОБИЛЬ САНОАТИГА АСОС СОЛИНДИ. МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ДАВРИДАЁҚ МИЛЛИЙ АВТОМОБИЛЬ САНОАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА БЕЛГИЛАНДИ.**




Damas, Tico, Nexia автомобиллари Ўзбекистон автомобиль саноатининг дастлабки "қалдирғочлари" бўлди. Сўнгра Matiz, Lacetti автомобиллари, Damas, Nexiaнинг янгиланган моделлари ўзлаштирилди. 12 йил ичида завод жамоаси ёрқин ва самарали йўлни босиб ўтди ва бугунги маррага эришди.

Заводдан чиққан миллионинчи автомобиль Chevrolet Lacetti бўлди. Корхонада ушбу автомобилни ишлаб чиқариш 2003 йили йўлга қўйилди. Ўтган йили "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан "General Motors" корпорацияси "GM Uzbekistan" қўшма корхонасини тузиш тўғрисида битим имзолагач, GM туркумидаги янги моделларни ишлаб чиқариш учун имкониятлар янада кенгайди. Chevrolet Lacetti автомобилини саноат йўли билан ишлаб чиқариш тўғрисида имзоланган битим автомобилни йирик блокли йиғишдан тўлиқ кўламли ишлаб чиқаришга ўтиш сари йўл очди.

Lacetti автомобилини ишлаб чиқариш учун махсус кузов панелларини штамплаш йўлга қўйилди, пайвандлаш участкаси очилиб, йиғув конвейери реконструкция қилинди. Chevrolet Lacetti юқори техник имкониятлари, замонавий дизайни, юқори сифати билан ажралиб туради.

Бугунги кунга келиб, корхонада автомобилнинг турли истеъмолчилар дидига мос келадиган етти хил модели ишлаб чиқарилмоқда.

Заводда ўтган йили 170 минг дона, 2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса 140 мингга яқин автомобиль ишлаб чиқарилди.

Бугун заводда юқори малакали ишчи, муҳандис, лойиҳачи, иқтисодчи, қурувчи, монтажчи, созловчи, йиғувчилардан иборат 5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксарияти етакчи хорижий автомобилсозлик компанияларида малака оширган ва мураккаб замонавий технологияларни ўзлаштирган.

Миллионинчи автомобилнинг конвейердан чиқишига бағишланган тақдимотда "GM Uzbekistan" қўшма корхонасининг бош директори Шуҳрат Юсупов заводнинг нуфузли компаниялар билан тенгҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилишига асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегияси жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулотларни тайёрлашга йўналтирилганлигини таъкидлади.

"GM Europe" компаниясининг бошқарувчи директори Жеральд Жонсоннинг қайд этишича, Асака заводида янги автомобиль моделининг ишлаб чиқарилаётгани маҳсулот турини кўпайтириш, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, маҳсулотнинг сифатини муттасил яхшилаб бориш, замонавий технологияларни жорий этишга йўналтирилган "GM Uzbekistan" амал қилаётган йўлнинг мантиқий давомидир.

"Chevrolet" – "Captiva", "Epica" ва "Tacuma" маркасидаги учта автомобиль модели ишлаб чиқарилаётган Асака заводи маҳсулотлари сафига энди "Chevrolet Lacetti" ҳам қўшилди. Яқин йиллар ичида "Chevrolet" туркумидаги бошқа моделларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш режалаштирилган. Бу эса йилига 250 минг донагача автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга завод имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон — Буюк Британия Савдо-саноат кенгашининг XV мажлиси бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида ўтказилган анжуманда жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институти қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Конституция ва ёшлар» деб номланди.

● **ТАСВИРИЙ** санъат галереясида мамлакатимиз мусаввирлари иштирокида Хризантема байрами ташкил этилди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйи бичиш-тикиш курси қатнашчилари томонидан тайёрланган миллий либослар кўргазмаси бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбир «Пойтахтим — гўзал диёрим» деб номланди.

● **БУГУН** «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат марказида талабалар, ўқитувчилар иштирокида «Гиёвандликнинг оқибатлари» мавзуида ўтказилган давра суҳбати Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** мутахассислар иштирокида «Иқлим ўзгаришининг глобал муаммолари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан ёшлар, меҳнат фахрийлари иштирокида ўтказилган тадбир «Ватан фидойилари» деб номланди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

## РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**ЗАМОНАВИЙ УСКУНА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ АРЗОН НАРХЛАРДА ҚАЕРДАН ВА ҚАНДАЙ ХАРИД ҚИЛИШ МУМКИН, УЛАРНИ КИМ СОЗЛАБ, КИМ СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ? ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЯНГИЛАШ БОРАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ДОИРАСИДА УЮШТИРИЛГАН ТУРКУМ СЕМИНАРЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИ – ТАДБИРКОРЛАР АНА ШУНДАЙ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИ.**

Мазкур семинарлар Ўзбекистон озиқ-овқат саноати учун ускуналар етказиб беришни ташкил этишга ихтисослашган "Texno food Service" масъулияти чекланган жамияти томонидан ўтказилди. Тошкентда ўтган матбуот анжумани компаниянинг бу йўналишдаги фаолияти натижалари ва келгуси режаларга бағишланди.

"Texno food Service" масъулияти чекланган жамияти директори Д.Қўчқоровнинг айтишича, мамлакатимизда асосан кичик ва хусусий бизнес соҳасида фаолият юритаётган юзга яқин корхона мазкур компания иштирокида маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва оптималлаштиришга эришган. Компаниянинг хорижий ҳамкорлар билан товарларни тўғридан-тўғри етказиб бериш борасида тузган шартномалари туфайли мамлакатимиз корхоналари рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини берадиган, юқори технологияли ва энергияни тежовчи ускуналар билан таъминланди. Булар – тегирмон ускуналари, шунингдек, макарон, нон ва қандолат маҳсулотлари, томат пастаси, ўсимлик мойини ишлаб чиқариш, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, шарбат ва минерал сув қуйиш, полиэтилен идишлар тайёрлаш, ёрлиқлар ишлаб чиқариш, қадоқлаш ва ўрашга мўлжалланган ускуналардир.

Корхоналарнинг изчил ишлаши уларга сифатли сервис хизмат кўрсатиш таъминланганлигига ҳам боғлиқ. Ишлаб чиқариш заводларида амалиёт ўтаган компания мутахассислари зарур шароит яратиш борасида хўжалиқ субеъктларига нафақат ускуна танлаш ва улардан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар беради, уларни нисбатан арзон нархларда етказиб бериш билан бирга, монтаж, ишга тушириш-созлаш, ишчиларни ўқитиш, ишончли сервис хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ҳам бажаради, эҳтиёт қисмларни харид қилишда ёрдамлашади. Барча ҳисоб-китоб миллий валютада амалга оширилади. Жорий йилнинг 9 ойида "Texno food Service" масъулияти чекланган жамияти ўз мижозларига 250 миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатди. Бундан ташқари, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали бандлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашади. Республика бўйича, жумладан, чекка туманларда уч юзга яқин ана шундай янги иш ўрни яратилди.

Компания буюртмачилари – 1-Тошкент ун комбинати, "Ohangarondon" очиқ акциядорлик жамияти, Хонободдаги "Ширин нон" заводи ва бошқа корхоналар "Texno food Service" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида янги ускуналарни ўрнатиш билан бирга, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2002 йил 28 августда қабул қилинган "Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ "Texno food Service" масъулияти чекланган жамияти хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириб, яқинда "Texno Inter finans" лизинг компаниясини таъсис этди. Лизинг олувчилардан қўшимча кафолатлар талаб қилинмайди, муайян қийматга эга ускунанинг ўзи гаров вазифасини ўтайди. Ускунанинг ликвидлигини таъминлаш учун унинг яхши иш ҳолатида сақланиши эса сервис хизмати кўрсатувчи компания мутахассисларининг вазифасига киради.

Ҳозирги вақтда ҳам ички, ҳам ташқи бозорда буюртмачилар учун қўшимча қулайликлар яратиш бўйича маркетинг тадқиқотлари ўтказилмоқда. Зеро, Ўзбекистоннинг улкан имкониятларга эга озиқ-овқат саноатининг ривожланиши мамалакатимиз корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти ҳажмининг янада кенгайишига хизмат қилади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ ВА ДАВРА СУҲБАТИ

**ФРАНЦИЯНИНГ ТУЛУЗА ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ ВА САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мамлакатимизнинг элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Жанубий Пиреней минтақасининг сиёсий, гуманитар ва илмий-академик доиралари вакилларидан ташкил топган «Ротари клуб» (Rotary Club de Toulouse) ҳамда «Клуб д'Ок» (Cercle d'Oc) ташкилотларининг аъзолари иштирок этди.

Тулуза шаҳри Савдо-саноат палатасида эса Ўзбекистонга бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда минтақанинг ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда Финляндия. Италия ва Бельгиянинг фахрий консуллари қатнашди.

Учрашувлар давомида иштирокчиларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатимизнинг жорий йил 9 ойи мобайнидаги иқтисодий тараққиёт кўрсаткичлари, сармоявий муҳит, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар тартиби, юртимизнинг иқтисодиёт, сайёҳлик ва маданият соҳаларидаги салоҳияти, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш соҳаларини такомиллаштириш, соғлом ва ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек Ўзбекистон-Франция муносабатларини ривожлантириш истиқболлари хусусида атрофлича маълумот берилди.

***(Давоми 2-бетда).***

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда БМТ Ривожланиш дастурининг Меҳнат миграцияси жараёнларида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтди.**

● **Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да 28-30 ноябрь кунлари «Ўзагроэкспо» ва «Чой ва кофе» кўргазмалари бўлиб ўтади. Дунёнинг 14 мамлакатидан 50дан зиёд компаниялар қатнашаётган кўргазмаларда «Қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари, «Агрокимё», «Озиқ-овқат саноати ускуналари» ҳамда «Чорвачилик ҳамда ветеринария» каби соҳалар бўйича экспозициялар намойиш этилмоқда.**

● **Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида брифинг бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор бугунги кунда республикамизда жадал ривожланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларига қаратилди. Тадбир давомида қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича ахборот берилди.**

● **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида 1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни муносабати билан соғлиқни сақлаш тизими раҳбарлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда журналистлар иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

● **Самарқанддаги Ёшлар марказида «Сардорлар мактаби» лойиҳасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**

● **Ҳамза номидаги Қўқон давлат мусиқали драма театри жамоаси «Кўчки» деб номланган янги саҳна асарини мухлислар эътиборига ҳавола қилди.**

● **Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги 1-академик лицейда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбир доирасида мавзуга оид кўргазма ҳам намойиш этилди.**

● **Қашқадарё вилоятида 2008-2009 ўқув йилида олий ўқув юртлари талабалари, коллежлар ўқувчиларидан 123 нафари касаба уюшмаларининг махсус стипендиясини оладиган бўлди. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжмандлиги, фанларни ўзлаштириши ва жамоат ишларидаги фаоллиги ҳисобга олинади.**

### ЖАҲОНДА

● **БМТ Хавфсизлик Кенгаши Бош котиб Пан Ги Муннинг Косовода халқаро иштирокнинг янги шакли кўрсатилган маърузасини маъқуллади. Шунингдек, Хавфсизлик Кенгаши Белград ва Приштинанинг халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилиш режасини қўллаб-қувватлади.**

● **Франция ҳукумати 2009 йилдан бошлаб Жазоир ва Полинезияда 1960-1996 йилларда ўтказилган ядровий синовларда жабрланган ҳарбийлар, мутахассислар, шунингдек, маҳаллий аҳоли учун товон пули тўлайдиган бўлди.**

● **Хитой кутилмаганда Европа Иттифоқи билан ўтказиладиган саммитнинг номаълум муддатга қолдирилганлигини эълон қилди. Хитойнинг бундай муносабатига Франция Президенти Николя Саркози ва ЕИ давлатлари ҳукуматлари вакилларининг Тибетнинг диний етакчиси Далай лама билан учрашиш режалари сабаб бўлди.**

● **Ҳиндистоннинг энг йирик шаҳарларидан бири бўлмиш Мумбайда террорчилар кетма-кет бир нечта ҳуружлар уюштиришди. Яхши қуролланган жангарилар жами 10 та объектга ҳужум қилган бўлиб, улар орасида «Тож Маҳал», «Оберой» каби катта меҳмонхоналар, шаҳар касалхонаси, темир йўл вокзали, кинотеатр ҳамда Мумбай полицияси бош маҳкамаси ҳам бор. Сўнгги маълумотларга кўра террорчилик ҳуружлари оқибатида 125 киши ҳалок бўлди, 327 киши эса тан жароҳатлари олди.**

● **Россия ва Эквадор ўртасида ҳарбий-техник ҳамкорлик юзасидан ҳукуматлараро битим имзоланди.**

● **Ҳиндистонда собиқ бош вазир В.Сингх вафоти муносабати билан етти кунлик мотам эълон қилинди.**

● **Россия жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб бир тонна нефть учун 192,1 доллар ҳажмида экспорт божи оладиган бўлди. Бу амалдаги бож миқдоридан бирмунча камдир.**

● **Бразилиянинг Санта-Катарина штатида бир неча кундан буён давом этаётган ёғингарчилик оқибатида 84 киши ҳалок бўлди, 30 киши бедарак йўқолди. Штатда фавқулодда ҳолат эълон қилиниб, 54 минг аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилди.**

● **Бангкокнинг Суваннапун халқаро аэропортида содир бўлган портлаш натижасида камида 2 киши жароҳатланган.**

● **Европа Иттифоқи Кубага катта вайронагарчилик келтирган кучли бўрон оқибатларини бартараф этиш учун 300 миллион доллар миқдорида маблағ ажратадиган бўлди.**

## ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН ТАҚДИМОТ ВА ДАВРА СУҲБАТИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Нефть-газ, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, чорвачилик, қурилиш моллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, тўқимачилик саноати ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига айланиши мумкинлиги қайд этилди. Бундан ташқари, Франция капиталини Ўзбекистонда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнларига фаол жалб этиш икки мамлакат ўртасидаги сармоявий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан ҳисобланади.

«Rotary Club de Toulouse» ташкилоти президенти Ж.М.Мартинез Ўзбекистонга қилган сафари таассуротлари билан ўртоқлашар экан, мамлакатимиз қулай иқлим шароити, хушманзара табиати, замонавий меҳмонхоналар тармоқлари ва сайёҳлик мажмуаларига эга экани, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг ривожланганини алоҳида таъкидлади.

«Минтақадаги энг нуфузли давлатлардан бири бўлган Ўзбекистон бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтиш, ҳуқуқий демократик давлат ва дунёвий жамият қуриш йўлидан изчиллик билан олдинга интилмоқда», — деди «Rotary Club de Toulouse» президенти.

Учрашувда сўзга чиққан «Cercle d'Oc» клубининг фахрий президенти Дж.Эстибаль Ўзбекистонда муваффақиятли тарзда амалга оширилаётган ислоҳотлар, юртимиз ялпи ички маҳсулотининг барқарор ўсиб бориши, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг юксалаётгани ҳамда иқтисодиёт ривожидан далолат берувчи кўрсаткичларга эътибор қаратди.

«Хорижий сармоядорлар Ўзбекистон билан шериклик қилишдан манфаатдор, — деди Дж.Эстибаль. – Шу ўринда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик салоҳияти ҳам тўлиқ ишга солинмаганини таъкидлаш ўринли. Айнан шу боис ҳам ҳозирги босқичда икки мамлакат вилоятлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантириш биз учун жуда муҳим. Бу эса, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Франция компаниялари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги имкониятларини очиб беради».

«Француз экспортчиларининг 1-рақамли Клуби» Ассоциацияси Бош котиби Ж.Оран ҳам юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган ютуқлари тўғрисдаги фикрлари билан ўртоқлашди. Ўзбекистонда кўп маротаба бўлган Ж.Оран мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, хусусан, тиббий хизмат ва таълим соҳасини такомиллаштиришга қаратилаётган эътиборни юқори баҳолади.

«Ўзбекистонда мамлакатни модернизация қилиш ва деморатик жамият барпо этиш масалаларини ҳал этишга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлашга жиддий аҳамият берилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ, — деди Ж.Оран. – Шу ўринда Тулуза Университети билан Бухоро Давлат университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протоколнинг имзоланиши режалаштирилаётганини қайд этиш жоиз. Ушбу ҳужжат нафақат таълим, балки ҳамкорликнинг бошқа устувор йўналишларидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун ҳам мустаҳкам асос бўлади».

Тулуза Савдо-саноат палатаси биринчи вице-президенти Т.Дюма Европа билан Осиё ўртасидаги жуғрофий кўприк бўлмиш Ўзбекистон икки томонлама ҳамкорлик учун улкан қизиқиш уйғотишини таъкидлади.

«Сўнгги беш йил ичида мамлакат иқтисодиётида эришилган ютуқлар шундан далолат бермоқдаки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлашга муваффақ бўлинди, — деди Т.Дюма. – Иқтисодий тараққиёт ташқи савдо айланмасининг тез суръатда кенгайиши ва сармоялар ҳажмининг ошишига туртки бўлди. Мамлакатда мустақилликнинг қисқа даври мобайнида барча соҳаларда эришилган ютуқлар таҳсинга лойиқ. Иқтисодиётга чет эл сармоялрини жалб этиш бўйича Ўзбекистон раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган изчил сиёсат мамлакатингизнинг ҳамкорлик учун жозибадорлигини янада оширади. Палатамиз энг йирик ҳудудий компанияларни Ўзбекистоннинг етакчи соҳа корхоналари билан ҳамкорлик қилишга жалб этиш борасида ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр».

«Аэробус» компаниясининг Европа ва МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик бўйича директори Б.Шарверон «Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАК билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилганидан мамнуният изҳор этиб, Франция томони Ўзбекистон билан узоқ муддатли шериклик муносабатларини ўрнатишга тайёр эканини айтди. Ўзбекистон ишончли ҳамкор эканлигига урғу берган ҳолда, Б.Шарверон республикада самолётсозлик соҳасининг изчил ривожланаётганини юқори баҳолади.

Тулуза шаҳри ҳокими ўринбосари Гонзалес Тришу хоним ҳам юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий меросини қайта тиклаш ва асраб-авайлаш мақсадида амалга оширилаётган чора-тадбирлардан яхши хабардор эканини айтди.

«Бугунги Ўзбекистон ўзида замонавийлик ва қадимийликни уйғунлаштира олган дунёдаги камдан-кам давлатлардан биридир, — деди Тришу хоним. – Тулуза шаҳри маъмурияти Ўзбекистон шаҳарлари билан шериклик алоқаларини ўрнатишдан ва иқтисодиёт, маданият, сайёҳлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир».

**«Жаҳон» АА,**
**Париж.**

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ВА СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ, МАЪНАВИЙ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАСИ ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН СИЁСАТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР.**

Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Давлат бошқаруви, ижтимоий соҳа, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва тадбиркорликда ўзини кўрсатаётган аёлларимиз кўпайиб бормоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида Бош қомусимиз қабул қилинганининг 16 йиллиги, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги ҳамда Хотин-қизларга нисбатан зўравонликларга барҳам бериш халқаро кураш куни муносабати билан ташкил этилган конференцияда шулар ҳақида гап борди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Г.Маруфова ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган юксак эътибор туфайли уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги тобора ошаётганини таъкидладилар. Бунда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асос муҳим омил бўлаётир.

Хотин-қизлар ҳуқуқларининг кафолатлари Конституциямиз ва кўплаб қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатлари ифода этилган қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (CEDAW) ратификация қилинган.

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масалалари Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" – Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси каби ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари саналади.

Конференцияда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва ролини янада ошириш борасидаги зарурий чора-тадбирлар, долзарб вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

**ТОШКЕНТДА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА 2003-2008 ЙИЛЛАРДА ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНИБ, КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ.**

Бугунги кунда мазкур жамият тасаррувида беш мингдан зиёд жамоа ва спорт клублари фаолият кўрсатмоқда. Қиркта болалар ва ўсмирлар спорт мактабида эса ўн мингдан зиёд ўғил-қиз қирқ иккита спорт тури бўйича шуғулланмоқда. Улар орасидан етишиб чиқаётган маҳоратли спортчилар қитъа ва жаҳон чемпионатлари, олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этмоқда. Хусусан, яқиндагина Пекинда ўтказилган олимпиада ўйинларида жамият аъзоларининг ўн етти нафари қатнашди. Каноэчи Вадим Минковнинг финалга йўлланма олиб тўртинчи натижани қайд этгани эътиборга молик.

Йиғилишда ана шу ютуқлар яна бир бор ёдга олиниб, бундан кейин ҳам муносиб захира тайёрлаш, жойлардаги мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш ва ёш авлодга барча шарт-шароитни яратиб бериш зарурлиги таъкидланди. Тадбир якунида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган спортчи ва мураббийлар тақдирланди.

## ЁШ ОИЛА – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

**ЁШ АВЛОДНИ БАРКАМОЛ, ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ЎРНИ КАТТА. ШУ БОИСДАН ҲАМ МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА СОҒЛОМ, БАРКАМОЛ ОИЛАНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ, ЁШ ОИЛАЛАРНИ МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Жорий йилнинг 27-28 ноябрь кунлари "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан "Ёш оила – жамият тараққиёти негизи" мавзусида Республика форуми бўлиб ўтмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ўтказилган матбуот анжумани худди шу Форумга бағишланди.

Тадбирда таъкидланишича, форум доирасида "Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ёш оилаларнинг ўрни" мавзусидаги илмий-амалий анжуман ўтказилади. Унда етакчи мутахассислар, олимларнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, бола тарбиясидаги ижобий жиҳатлар, муаммо ва ечимларга бағишланган маърузалари тингланади. "Энг намунали ёш оила" республика кўрик-танловида эса 30 ёшгача бўлган, вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган оилалар иштирок этади. Улар республика босқичида "Оилавий спорт – саломатлик гарови", "Интеллектуал ринг", "Моҳир қўллар" каби босқичларда ўз маҳоратларини синовдан ўтказишади.

–Айтиш жоизки, ҳозирда Ёшлар ижтимоий хизматлари қошида "Ёш оила" марказлари ҳам ташкил этилган, – дейди Ёш оила лойиҳаси раҳбари Дилбар Рашидова. – Ушбу марказда ёш оилаларни иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириб бориш билан бирга, уларга руҳшунослар маслаҳати ҳам бериб борилади. Мазкур марказ ишларини сарҳисоб қилиш мақсадида форум доирасида кўргазма намойиш этилиши ҳам режалаштирилган.

Шунингдек, матбуот анжуманида олиб борилаётган бу каби саъй-ҳаракатлар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ота-оналарнинг интеллектуал салоҳиятини янада юксалтиришга қаратилганлиги таъкидланди.

**"Туркистон-пресс"**

**ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН АЁЛЛАРНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МЕҲНАТ БОЗОРИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

## АЁЛЛАР МЕҲНАТИ ДОИМИЙ МУҲОФАЗАДА

Тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, шунингдек, Россия, Озарбойжон, Тожикистон каби давлатларнинг касаба уюшмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори Р.Убайдуллаева ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида хотин-қизларнинг фаоллиги ортиб бормоқда. Бугунги кунда аёллар нафақат ижтимоий-маданий, балки иқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик каби соҳаларда ҳам фаол иш юритмоқда. Уларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитини яратишга оид масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг натижаси ўлароқ, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнат шароитини янада яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик ҳаракатига кенг жалб этиш борасида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда хотин-қизлар меҳнатининг касаначилик, кичик бизнес каби янги, самарали усулларини ривожлантириш, фермер хўжаликларида аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий манфаатлари, меҳнат муҳофазасини қатъий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ўзбекистонда хотин-қизларга давлат томонидан алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлинаётганининг гувоҳи бўлдим, – дейди Татьяна Пашко (Россия). – Бу жиҳатлар хотин-қизларнинг ўзи қизиққан соҳада фаолият олиб бориши, меҳнатининг қадрланиши, муҳофаза қилиниши ва ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланишида ўзининг ёркин ифодасини топмоқда. Айни пайтда аёлларнинг ўз касб, ижодий-интеллектуал салоҳиятининг тўла намоён этиши учун барча имконият ва шароитларнинг яратилгани юртингизда ижтимоий ҳимоя тизимининг мукаммал шаклланганидан далолатдир.

Икки кунлик семинар давомида аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи, улар манфаатларини таъминлашда касаба уюшмаларининг ижтимоий шерикчилиги, хотин-қизлар бандлигини таъминлашни янада ривожлантириш учун кредитлар ажратиш, тадбиркорлик, кичик бизнесдаги иштироки каби мавзуларда маърузалар тингланади ва муҳокама этилади.

Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**ТОШКЕНТДА «ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ – ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ» МАВЗУСИДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ.**

Мазкур тадбир Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистондаги ЕХҲТ Лойиҳалари Координатори кўмагида ташкил этилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган анжуманда ўзбекистонлик етакчи ҳуқуқшунос-олимлар ва амалиётчилар билан бирга Буюк Британия, Германия, Хитой, Япония, Россия ва Қозоғистондан келган мутахассислар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация масалалари, илмий тадқиқотлар натижаларини қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этишнинг долзарб жиҳатлари, қонунчилик мониторингининг самарадорлиги ҳамда хорижий давлатларнинг мазкур соҳалардаги тажрибалари муҳокама қилинди.

Анжуманда хорижлик олимлар Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича изчиллик билан кенг кўламда ўтказилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолашди. Уларнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси халқаро талабларга тўла мос келади. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш, том маънода мустақил ва адолатли судни шакллантириш борасида эришилган ютуқлар алоҳида эътироф этилди.

Ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имкониятини берган мазкур анжуман ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга, жаҳон тамаддунининг энг илғор ғоялари билан йўғрилган жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш миллий моделининг ўзига хос хусусиятлари, моҳияти ҳамда аҳамиятини очиб беришга хизмат қилади.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс**

*Анжуманлар*

## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

***Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан жамиятимиз аъзоларининг, айниқса ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, мустаҳкам билим ва кўникма, кенг дунёқараш ва соғлом тафаккур эгаси бўлишига боғлиқ.***

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида мамлакатимизда таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хўш, бугунги кунда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим мазмуни ва самарадорлиги, кадрлар масаласи, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш ва таълим-тарбия жараёни қандай бормоқда?

Яқинда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган анжуманда шу хусусда сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳамда Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида Ёшлар йилига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман «Иқтисодий йўналишдаги олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимида ўқув фанларини ўқитишнинг сифатини ошириш муаммолари ва истиқболлари» мавзусида бўлди. Унда шаҳримиздаги барча ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг раҳбарлари ҳамда ўқитувчилари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг профессор-ўқитувчилари иштирок этдилар. Анжуманни Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Жавлонов кириш сўзи билан очар экан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини давлат таълим стандартлари ҳамда халқаро андозаларга мос ҳолда ишлаб чиқиш ва улар асосида таълим жараёнини ташкил этиш, янги ташкил этилган таълим муассасаларини тажрибали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш лозимлигини қайд этиб, ўқув жараёнига замонавий педагогик, ахборот ва компьютер технологиялари ҳамда ўқитишнинг интерфаол усуллари жорий этилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида амалга оширилган таълим тизимидаги туб ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими мустақил таълим тури сифатида шаклланди. Айни кунда республикамизда 1193 та ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу таълим муассасалари учун янги замонавий бинолар барпо этиш, уларни замонавий мебеллар ва ўқув жиҳозлари, компьютер ва ахборот технологиялари, лингафон хоналари, фан кабинетлари, устахона жиҳозлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Мазкур илмий-амалий анжуманни ўтказишдан мақсад, академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида иқтисод фанларини ўқитиш муаммолари, ўқитувчи ва раҳбарларни танлаш, уларнинг малакасини ошириш, ёшларнинг билим-савиясини ошириш, энг асосийси, битирувчи ёшларни иш билан таъминлаш масаласидир, — дейди Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори, иқтисод фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Охунова. — Бугунги анжуманда иқтисодий йўналишдаги олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида ўқув фанларини ўқитишнинг сифатини ошириш муаммолари ва истиқболлари бўйича ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ўз маърузалари билан қатнашмоқда ва ушбу масалалар муҳокама қилинмоқда.

Анжуманда Тошкент Банк коллежи директори, профессор З.Худойбердиев — «Тадбиркорлик ва бизнес асослари» ўқув курси ва уни касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш зарурияти», Тошкент Иқтисодиёт коллежи директори Х.Муҳитдинов — «Математика ва иқтисодиётнинг фанлараро алоқадорлигини таъминлаш учун интеграллашган (бирлашган) дарсларнинг аҳамияти», Сергели Молия-иқтисод коллежи директори ўринбосари Б.Раҳматов — «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими сифати ва самарадорлигини ошириш омиллари», Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежи директори П.Юлдашев — «Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарув тизими ва уни такомиллаштириш йўллари», Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти Ф.Акрамова — «Замонавий коллежларга замонавий талаблар ва замонавий раҳбарлар. Фикр ҳамда мулоҳазалар» мавзуларида ва бошқалар ушбу масалалар бўйича маъруза қилдилар.

Конференция доирасида давра суҳбати ўтказилиб, унда иқтисодий йўналишдаги фанларни ўқитишда умумий ва хусусий муаммолар, ўрта махсус ва олий таълимнинг узвийлиги, ўқитишнинг инновацион муаммолари, иқтисодий фанларни ўқитишнинг мазмуни ва услублари, ўқитиш сифатини ошириш истиқболлари масалалари бўйича баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди, ўринли таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ВАТАНИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ УЛУШИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДА «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

## СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Фармонда кўрсатилганидек текширувларнинг сони ҳамда муддатлари қайта кўриб чиқилди, «Ўздавэнергоназорат» Давлат инспекцияси Тошкент шаҳар бўлимида ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Шулардан ойма-ой ҳар турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар билан суҳбатлар ҳамда семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Фармондаги жуда муҳим бўлган бандлардан бири — «микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари фаолияти ҳар 4 йилда кўпи билан 1 марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ҳар 3 йилда 1 марта режа асосида текширилиши ҳақида тўлиқроқ маълумотлар берилмоқда.

**Дилшод ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**Дурбек МАҚСУДОВ,**
**«Ўздавэнергоназорат» Давлат инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими катта инспекторлари**

*Санъат*

## ТОМОШАБИНЛАРГА МАНЗУР БЎЛДИ

**ҚАДИМИЙ ВА ГЎЗАЛ ТОШКЕНТ ҲАҚИДА ЯНА БИР ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ СУРАТГА ОЛИНДИ. «ШОН-ШАВКАТЛИ ШАҲАР» ДЕБ НОМЛАНГАН БУ ЭКРАН АСАРИДА ПОЙТАХТИМИЗ ТАРОВАТИНИ МАДҲ ЭТУВЧИ ЛАВҲАЛАР КЎП. ШАҲРИМИЗДА ЮЗАГА КЕЛГАН АНЪАНАЛАР ҲАМ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПДИ.**

Тошкентнинг 2200 йиллик юбилейи олдидан яратилган мазкур экран асарининг илк томошабинлари маънавият ва маърифат соҳаси фидойилари бўлишди.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейида «Истиқлол, маънавият ва тараққиёт» деган мавзуда уюштирилган анжуман иштирокчиларига тақдим этилган бу экран асари ўқув фильмига ҳам айланиб қолди.

## ТАЛАБАЛАРГА АРМУҒОН

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА ИНГЛИЗ, ФРАНЦУЗ, НЕМИС, ИСПАН ТИЛЛАРИ БЎЙИЧА ҲАМ МАШҒУЛОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. АНА ШУ ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИ БЎЙИЧА ЯРАТИЛГАН ДАРСЛИК ВА ҚЎЛЛАНМАЛАР СОНИ ЯНА БИР НЕЧА ФОИЗГА ОРТДИ.**

«Инглиз тили амалий фонетикаси» «Инглиз тили амалий грамматикаси» каби ўқув адабиётлари ҳам олий ўқув юрти олимлари муаллифлигида юзага келди.

Янги ўқув йилига совға сифатида яна қатор қўлланмалар чоп этилди. Улар талабалар учун яхлит ўқув адабиёти янглиғ тақдим этилди.

**Акбар АЛИЕВ**

